

G'ALLAOROL OVOZI

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan

Tuman hokimligining gazetasi

17 (9360) 22-aprel 2026-yil, chorshanba

ISSN 2010-7803

Bahosi erkin narxda

E-mail: gallaorolovozi@umail.uz

АГРАР ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов Жиззах вилоятига амалга оширган ишчи ташрифи доирасида Ғаллаорол туманидаги қатор фермер хўжаликлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Дастлаб “Шоҳ Бобур Мирзо” фермер хўжалигида 20 гектар майдондаги экинлар ҳолати кўздан кечирилди. Хўжаликнинг 8 гектарига ғалла етиштирилаётган бўлса, 12 гектар майдонда картошка экиш ишлари олиб борилмоқда. Мутахассислар тавсияси асосида 3 гектарга “Марафон” навли картошка экилиб, агротехник талаблар асосида парвариш қилинмоқда.

Учрашув давомида вазир томонидан картошка етиштиришда замонавий ёндашувлар, жумладан уруғни тайёрлаш ва экиш технологияларини тако-

миллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Шунингдек, “Тўлқин Самарандар” фермер хўжалигида ҳам амалга оширилаётган ишлар ўрганилди. Умумий 70 гектар майдоннинг 50 гектарига нўхат, қолган қисмида ғалла етиштирилмоқда. Дастлабки натижаларга кўра, нўхатдан гектарига 800 килограммдан 1 тоннагача ҳосил олиниши режалаштирилган. Мутахассислар томонидан экиш зичлиги ва ўғитлаш тизимини такомиллаштириш орқали ҳосилдорликни 2-2,5 тоннагача ошириш имконияти мавжудлиги таъкидланди.

Ташриф давомида илгари фойдаланилмай келган лалми ерларни самарали ўзлаштириш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш масалаларига

алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, вазир Ғаллаорол туманидаги “ВМВ Cherry Gardens” МЧЖ томонидан амалга оширилаётган замонавий боғдорчилик лойиҳаси билан ҳам танишди. 113 гектар майдонда ташкил этилган интенсив гилос боғига ярим пакана кўчатлар экилиб, томчилагиб суғориш тизими йўлга қўйилган. Лойиҳада сув таъминоти учун қудуқлар ва ҳовузлар барпо этилган бўлиб, яна қўшимча инфратузилма ишлари режалаштирилган.

Иккинчи босқичда яна 63 гектар ер майдонини ўзлаштириш орқали боғ тўлиқ шакллантирилади. Лойиҳа доирасида доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилиб, махсулотларни саралаш ва экспортга тайёрлаш учун замонавий логистика маркази ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган.

ИМКОНИАТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Туманимизда “Пайшанба – Ёшлар куни” доирасида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилди.

Жиззах вилояти ИИБ бошлиғи, генерал-майор Ғ.Қодиров ва туман ҳокими Ж.Оқбоев иштирокида ўтказилган тадбирларда ёшларга амалий кўмак кўрсатилди. Жумладан, Жийдали маҳалласида истиқомат қилувчи ёшга имтиёзли кредит асосида мобилографлик фаолияти билан шуғулланиши учун замонавий телефон аппарати топширилди. Шунингдек, бир гуруҳ ёшларга

фуқаролик паспортлари тантанали равишда тақдим этилди.

“Раҳбар ва ёшлар” очик мулоқоти давомида ёш тадбиркорлар, пробақия назоратидаги ҳамда оталиққа олинган ёшлар иштирок этиб, уларнинг мурожаат ва таклифлари тинг-

ланди. Масалаларни ҳал этиш бўйича масъулларга аниқ топшириқлар берилди.

Ташриф доирасида Ёшлар маркази фаолияти ҳам кўздан кечирилиб, ёшларга касб-хунар ўргатиш, жумладан, аргон пайвандлаш ва тикувчилик йў-



налишларидаги машғулотлар билан танишилди. Шу билан бирга, фаол ва иқтидорли ёшлар эришган ютуқлари учун рағбатлантирилди.

Аламли маҳалласида ёш тадбиркорнинг гулчилик фаолияти ўрганилиб, ташаббускорлиги эътироф этилди. Лалмикор маҳалласида қурилиш ишларида банд бўлган ёшлар меҳнатига юксак баҳо берилди.

ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ



14 апрель куни туман ҳокимлигининг мажлислар залида Халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгашининг ўн тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Унда туман Кенгаши депутатлари, кун тартибидаги масалаларга дахлдор ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, Кенгаш ҳузуридаги Эксперт гуруҳи ҳамда Ёшлар маслаҳат гуруҳи аъзолари, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Сессияда маҳаллий бюджет даромадларининг ижроси, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, вегетация даврида суғориш ишлари учун сув лимитини тасдиқлаш, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий соҳаларга маблағ ажратиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Сессия якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ҲОКИМ ҚАБУЛИ



Туманда фуқаролар билан очик мулоқотни йўлга қўйиш, уларнинг мурожаатларини тизимли равишда ҳал этиш мақсадида навбатдаги қабул ташкил этилди.

Туман ҳокими Жалолитдин Оқбоев раҳбарлигида ўтказилган қабулда аҳоли томонидан кўтарилган ижтимоий, иқтисодий, уй-жой, бандлик, коммунал хизматлар ва бошқа долзарб масалаларга оид мурожаатлар кўриб чиқилди.

Ҳар бир мурожаат мазмунан ўрганилиб, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди. Айрим масалалар эса шу жойнинг ўзида ижобий ҳал этилди.

Бундай учрашувлар фуқароларнинг давлат органига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Туман ҳокимлиги ахборот хизмати.

СОҒЛОМ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Туманда “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида аҳолини соғлом турмуш тарзига кенг жалб этишга қаратилган қатор спорт тадбирлари ташкил этилди.



Жумладан, “Соғлом танда – сифатли тиббиёт” шиори остида 56-умумий ўрта таълим мактабида туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари ўртасида “Касаба уюшмаси кубоги” спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда мини-футбол, волейбол, шахмат, шашка ва стол теннис бўйича қизгин беллашувлар ўтказилиб, иштирокчиларнинг жисмоний фаоллиги ва жамоавий ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди.

Тадбир якунида иштирокчилар учун дастурхон тузатилиб, бир пиёла чой устида самимий мулоқот ва дўстона муҳитда суҳбат олиб борилди.

Туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактаблари ходимлари ўртасида ҳам “Соғлом танда – сифатли таълим!” шиори остида спорт мусобақалари ташкил этилди. Унда иштирокчилар волейбол, футбол, стол тенни-

си, шахмат ва шашка бўйича ўзаро беллашиб, голиб жамоалар вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

теннис бўйича беллашувларда маҳоратларини намоёниш қилишди ва бу орқали уларнинг спортга бўлган қизиқишини оширишга ва жамият ҳаётида фаолликка жалб этишга эришилди.

Қўйтош шаҳарчасидаги 4-умумий ўрта таълим мактабида 7-17 ёшдаги ўғил-қизлар иштирокида “Жисмоний тайёргарлик даражаси” спорт синовлари ўтказилди. Унда ўқувчилар тезлик, куч, чидамлик ва чакқонлик бўйича ўз имкониятларини синовдан ўтказдилар.

Мазкур тадбирлар аҳоли,



Соғлом ҳаёт тарзини оммалаштириш мақсадида оммавий пиёда юриш ва бадантарбия машғулоти ҳам ўтказилиб, унда туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари фаол иштирок этишди.

Имконияти чекланган шахслар иштирокида “Беш ташаббус паралимпиадаси” доирасида ўтказилган спорт мусобақаларида қатнашчилар пара енгил атлетика, армрестлинг, бадминтон, шахмат ва стол

айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, жисмоний фаолликни ошириш ва жамоавийликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Турли қатлам вакилларини қамраб олган бундай мусобақа ва ташаббуслар инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, спортга бўлган қизиқишни кучайтириш ҳамда жамиятда фаол ҳаёт позициясини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

С. АБДУЖАББОРОВА.

ОНА ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК!

Табиатни асраш ва унинг мусоффолигини сақлаш ҳар бир инсоннинг бурчи ҳисобланади. Айниқса, баҳор фаслида аксарият аҳоли оила аъзолари ва яқинлари билан дам олиш учун турли масканларга йўл олади. Афсуски, айрим ҳолларда хордик давомида истеъмол қилинган маҳсулотлардан қолган чиқиндилар бепарволик билан атрофга ташлаб кетилиб, табиатга жиддий зарар етказилади.

Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш ва экологик маданиятни юксалтириш мақсадида Галлаорол туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги 12- ва 63-умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ташаббуси билан тозалик акцияси ташкил этилди. Тадбир давомида ўқувчилар табиат қўйнига ташлаб ке-



тилган чиқиндиларни йиғиш ишларида фаол иштирок этишди. Тўпланган чиқиндилар “Эко-сфера” МЧЖга тегишли махсус автотранспорт воситалари ёрдамида чиқиндилар полигонига ташиб кетилди.



“Табиат барчамизники, унга бефарқ бўлмайлик!” шиори остида ўтказилган акция атроф-муҳитни асраш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва чиқиндиларни тартибсиз ташлашнинг ҳақдорлигини тарғиб этди.

Бундай ташаббуслар ёш авлодда экологик онг ва масъулиятни шакллантириш, табиатни асрашга бўлган муносабатни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шавкат ЖОНЗОҚОВ,
туман экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи.

ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

фойдаланишга топширилди



Мирзабулоқ ҚФЙ, Хонақоҳ қишлоғида янги спорт мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур иншоот аҳоли, айниқса ёшлар учун замонавий ва қулай шарт-шароитларга эга спорт маскани сифатида хизмат қилади.

Янги спорт мажмуасининг спорт зали 24x44 метр ўлчамда барпо этилган бўлиб, унда мини-футбол, гандбол, баскетбол, волейбол ҳамда яққалик спорт турлари билан шуғулланиш учун барча имкониятлар яратилган. Шунингдек, машғулоти ҳамда мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш учун зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Мазкур мажмуанинг фойдаланишга топширилиши ҳудудда спортни янада оммалаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ҳамда иқтидорли ёш спортчиларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлашда катта аҳамият касб этади. Бу каби замонавий иншоотлар ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилиб, уларни соғлом ва баркамол авлод сифатида тарбиялашга мустаҳкам замин яратади.

ҒАЛАБА МУБОРАК!



Узунбулоқлик спортчи кизимиз, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Саодат Қорабоева халқаро майдонда яна бир бор юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У дзюдо бўйича Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида ўтказилган нуфузли халқаро турнирда 48 кг. вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, мусобақанинг олтин медалига сазо-

вор бўлди. Ушбу муваффақият спортчининг узлуксиз меҳнати, мураббий Абдусалом Равшанов ўргатилган спортчилари ҳамда юксак иродасининг самарасидир.

Саодатнинг бу ғалабаси бутун мамлакатимиз спортчи учун катта ютуқ ҳисобланади. Ёш чемпионга келгуси мусобақаларда ҳам янада юксак натижаларга эришишини тилаймиз.

ВАТАНПАРВАРЛИК – ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Ватанпарварлик – инсоният учун муштарак бўлган, асрлар давомида сайқал топган юксак маънавий қадриятдир. У инсоннинг ўз Ватани тақдирига дахлдорлик ҳисси, унинг ижтимоий-иқтисодий таракқиёти, ҳудудий дахлсизлиги ва мустақиллигини сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларида шаклланиб, мустақамланиб боради. Бу туйғу юртнинг ўтмиши билан фахрланиш, бугундан ифтихор туйиш ва келажак учун масъулият билан яшашда намоён бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Иймон-этикод ҳар биримизнинг юрагимизда, виждонимизда бўлиши лозим. Исломий ҳикматларда Ватанни севмок иймондан эканлиги қайд этилади. Инсон иймон-этикодли бўлиб, юртига садоқат билан хизмат қилса, у ҳақиқий ватанпарвар бўлади”.

Ватанга меҳр-муҳаббат – юксак онг, чуқур англаш ва маънавий камолотни талаб этувчи фазилатдир. Бу туйғу инсон ҳаётида бешиқдан бошланиб, умрнинг сўнгги лаҳза-

сига қадар давом этади. Ватанпарварликни англаб етган инсон Ватан учун фидойилик қилишга тайёр, комил шахс даражасига кўтарилди. Файласуфлар айтганидек, маърифатли халқнинг ҳақиқий жасорати – Ватан йўлида қурбонликка тайёр эканлигида намоён бўлади.

Албатта, Ватанини севиш ҳақида гапириш осон. Аммо бу муҳаббатни амалий ишлар, фидокорлик ва садоқат билан исботлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ватанпарварлик мавҳум тушунча эмас, балки инсоннинг қалбидаги ҳақиқий ва чуқур ҳис-туйғудир. У фақатгина Ватанни севиш эмас, балки ўзини унинг ажралмас қисми деб билиш, унинг қийин ва фаровон кунларида бирдек хизмат қилиш демақдир.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” деган гоя замирида ёш авлодни билимли, ватанпарвар ва фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш мақсади мужассам. Шу боис ёшлардан яратилган имкониятлардан самарали фойда-

ланиш, тинимсиз ўқиш ва изланиш, замонавий билимларни чуқур эгаллаш талаб этилади. Бу эса Ватан келажиги учун энг катта ҳисса бўлади.

Юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги ва Ватанимиз хавфсизлигига таҳдид солувчилар ҳеч қачон бизнинг дўстимиз бўла олмайди. Шу боис ҳар бир фуқаро Ватан тақдирига бефарқ бўлмаслиги, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга тайёр туриши лозим.

Аждодларимиз қилич ва қалам, илм ва заковат билан жаҳонни ҳайратга солган буюк шахслар бўлган. Уларнинг бой илмий ва маънавий мероси бугунги кунда ҳам дунё олимлари ва ёшлар томонидан ўрганилмоқда. Энг муҳими, биз ана шундай улуғ зотларнинг авлодимиз. Шу боис улар қолдирган муқаддас Ватанни асраш, уни янада ривожлантириш, ўз билим ва салоҳиятимизни халқ ва юрт равнақи йўлида сафарбар этишимиз даркор.

Ф. АМИРОВ,
туман прокурорининг
ёрдамчиси.

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ САМАРАСИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари фақатгина эстетик кўришни яхшилаш билан чекланмайди. Ушбу йўналиш мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилувчи, туризм, кўчмас мулк бозори ҳамда энергия самарадорлигини рағбатлантирувчи муҳим стратегик соҳага айланиб бормоқда.



Хуқуқий асослар ва давлат сиёсати

Соҳадаги ислохотлар изчил ва тизимли тарзда амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2024 йил 25 июнда қабул қилинган «Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-234-сонли қарор ободонлаштириш ишларини янги босқичга олиб чиқди. Ушбу ҳужжат асосида маҳаллаларда “Маҳалла сервис компаниялари” фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион дона кўчат экиш режалаштирилган бўлиб, бу ташаббус мамлакатнинг яшил иқтисодиётга ўтиш йўлидаги муҳим қадамларидан биридир.

Иқтисодий самарадорлик омиллари

Ободонлаштириш ишлари бир қатор иқтисодий афзалликларни таъминлайди. Аввало, обод ва инфратузилмаси ривожланган ҳудудлар ту-

ризм ва инвестициялар учун жозибадор бўлади. Бундай жойларда хизмат кўрсатиш соҳасидан олинган даромадлар ўртача 20-25 фоизга юқори бўлиши кузатилади.

Иккинчидан, кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар кўчмас мулк кийматининг ошишига хизмат қилади. Парк ва яшил майдонларга яқин жойлашган уй-жойлар бозорда 15-20 фоизга кимматроқ баҳоланади.

Учинчидан, экологик барқарорлик таъминланади. Дарахт ва яшил ҳудудлар кўпайиши натижасида ҳаво ҳарорати 2-4 даражага пасаяди, бу эса ўз навбатида энергия сарфини 10-15 фоизга камайтиради.

Соҳанинг ривожланиш кўрсаткичлари


Сўнгги йилларда ободонлаштириш тизимига катта миқдорда инвестициялар йўналтирилди. Хусусан, 374,9 миллиард сўм маблағ эвазига 1423 та замонавий махсус техникалар харид қилинди. Ҳар бир маҳаллага ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун ойига 20 миллион сўмдан маблағ ажратилаётгани ҳам соҳага берилётган эътибордан далолат беради.

Шу билан бирга, тизим ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари ҳам кучайтирилди. Улар фарзандларининг таълим олиши учун 900 миллион сўмлик контракт тўловлари қоплаб берилгани бу борадаги амалий ёрдамнинг ёрқин мисолидир.

Ободонлаштириш – бу шунчаки ташқи кўришни яхшилаш эмас, балки келажакка йўналтирилган инвестициядир. У иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, янги иш ўринлари яратади, экологик мувозанатни таъминлайди ва аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

Валишер АБИРОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети доценти в.б.
Равшанбек ИБРАГИМОВ,
1-босқич талабаси.

СУВНИ ТЕЖАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ



Сувни асраш ва ундан оқилона фойдаланиш бугунги кунда инсоният олдида турган энг муҳим вазифалардан бири.

Ҳозирги кунда Ер юзиде тахминан 1,1 миллиард киши турли даражадаги сув танқислиги шароитида яшамоқда. Глобал иқлим ўзгариши оқибатида сўнгги 50-60 йилда Марказий Осиёда музликлар майдони қарийб 30 фоизга қисқарган. Шу билан бирга, Ўзбекистон сув танқислиги юқори бўлган давлатлар қаторида бўлиб, 164 мамлакат орасида 25-ўринни эгаллайди. Бу эса мамлакатимизда “сув стресси” даражаси юқори эканлигини англатади.

Шундай шароитда мавжуд табиий ресурслардан, хусусан, қор ва ёмғир сувларидан самарали фойдаланиш энг мақбул ечимлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўртача йиллик ёғингарчилик 186 мм.ни ташкил этади. Адир ва тоғолди ҳудудларда бу кўрсаткич 300-550 мм. гача, тоғли ҳудудларда эса 800-900 мм.гача етиб, йил давомида 70-90 кун ёғингарчилик кузатилади. Ҳисоб-китобларга кўра, 1 квадрат метр том сатҳидан ўртача 186 литргача ёмғир сувини тўплаш мумкин.

Агар ушбу ресурсдан самарали фойдаланилса, бир киши кунига ўртача 71 литргача ичимлик сувини тежаш имконига эга бўлади. Ҳозирги кунда эса бир кишининг кунлик сув сарфи ўртача 130 литрни ташкил этмоқда. Демак, ёмғир сувини маиший ва техник эҳтиёжлар учун йўналтириш орқали мамлакат миқёсида катта ҳажмдаги тоза ичимлик сувини тежаш мумкин.

Хориж тажрибаси ҳам бу йўлнинг самарали эканини тасдиқлайди. Масалан, Туркияда 2000 квадрат метрдан ортиқ майдонга эга кўп қаватли биноларда ёмғир сувини йиғиш тизими жорий этилган. Германиядаги Франкфурт аэропортида йиғилган ёмғир суви яшил ҳудудларнинг 60 фоизини сўғоришда ишлатилади. Австралияда эса ёмғир суви шаҳарларда 9 фоиз, шаҳар ташқарисиде 63 фоиз сув эҳтиёжини қоплайди.

Ўзбекистон Экологик партияси мамлакатимизда ёмғир сувларини йиғиш ва ундан фойдаланиш тизимини кенг жорий этиш бўйича алоҳида давлат дастурини қабул қилишни таклиф этади. Ушбу таклифлар партия томонидан ишлаб чиқилиб, тегишли идораларга тақдим этилиши режалаштирилмоқда.

Шахзод ТУГАЛОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси
Бахмал туман Кенгаши раиси.
А. РАҲМОНОВ.

АДОЛАТ ВА ИМКОНИЯТ

Ғаллаорол туманида хуқуқ-тартибот ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган муҳим тадбирлардан бири – жиноят ишлари бўйича туман судининг сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди. Туман ИИБда ташкил этилган мазкур суд жараёнида пробацция назоратида бўлган шахсларнинг ишлари кўриб чиқилди.

Суд қарорларига кўра, жазони ўташ давомида ўзини ижобий томондан кўрсата олган 10 нафар шахс муддатидан олдин шартли равишда озод этилди. Шунингдек, туман прокурори ва туман ИИБ бошлиғига бириктирилган икки

нафар ёшга ҳам ишонч билдирилиб, улар муддатидан аввал озод қилинди.

Тадбир доирасида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мутасаддилари томонидан назоратдаги ёшлар билан очик мулоқот ўтказилди. Унда ёшларга қонунларга риоя қилиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ҳаётда тўғри қарорлар қабул қилиш борасида тавсиялар берилди.

Шу кун бўш иш ўринлари меҳнат армаркаси ташкил этилиб, унда иштирок этган ёшлар ва фуқароларга турли қорхона ва ташкилотлардаги иш ўринлари таклиф қилинди.

Ақбар ҚАРШИЕВ.

БОЛАЛАР ДУНЁСИГА ПСИХОЛОГИК НИГОХ

Мактабда таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишда мактаб ёшидаги кичик болаларнинг анатомик-физиологик хусусиятлари, жисмоний ривожланиш даражаси ва соғлиқ ҳолатини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Бошланғич синф ўқувчилари биологик жиҳатдан нисбатан мутаносиб ривожланади: уларнинг бўйи, вазни ва ўпка ҳажми бир меъёрда ўсиб боради. Бироқ суяк тизими, жумладан кўкрак қафаси, тос ва умуртка поғонаси тўлиқ шаклланиб улгурмаган бўлиб, ҳали тоғайсимон тўқималар сақланиб қолган бўлади. Шу сабабли бу ёшда болаларнинг тўғри ўсишига эътибор қаратиш, ортиқча жисмоний зўриқиш ва толиқишнинг олдини олиш, ўқиш ва дам олиш тартибига қатъий амал қилиш жуда муҳимдир.

Бу даврда юрак мушаклари тез ўсади, кон томирлари кенгрок, миянинг оғирлиги эса 1280-1400 грамм атрофида бўлади. Мия пўстлогининг аналитик-синтетик фаолияти ривожланиб боради, кўзгалиш ва тормозланиш жараёнлари ўртасидаги мувозанат шакллана бошлайди. Аммо кўзгалиш жараёни устунлиги сабабли болаларда ҳаракатчанлик ва тез чарчаш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Таълим жараёнида ўқитувчи шахси ҳал қилувчи ўрин тутади. У болаларнинг билиш жараёнларини – сезги, идрок, тафаккур, тасаввур, хотира ва диққат каби когнитив қобили-

ятларини инобатга олган ҳолда дарсни ташкил этиши зарур. Масалан, бошланғич синфларда диққат аввало ихтиёрсиз бўлиб, 2-3-синфларга келиб ихтиёр тус ола бошлайди. Хотира эса дастлаб механик, яъни ёдлаб олишга асосланган бўлса, вақт ўтиши билан мантикий, тушуниб эслаб қолиш қобилияти шаклланади.



Болаларда тафаккур кўпроқ аниқ образли бўлиб, йил охирига келиб улар умумлаштириш ва хулоса чиқаришга ўрганадилар. Нутқ ривожланиб, луғат бойлиги ортиб боради, фикрни аниқ ифода этиш кўникмалари шаклланади. Тасаввур эса эртак, ҳикоя, расм чизиш каби фаолиятлар орқали бойиб, ижодкорлик қобилиятлари ўсади.

Бу жараёнда ўқитувчи ва ота-онанинг қўллаб-қувватлаши, болага нисбатан тўғри ва эҳтиёткор ёндашуви унинг интеллектуал ҳамда шахсий камолотига катта таъсир кўрса-

тади. Машҳур педагог Василий Сухомлинский таъкидлаганидек, “Бола қалбига йўл топа олган ўқитувчи – ҳақиқий устоздир”.

7-8 ёшли болаларда ҳаёл ва тасаввур ўқув фаолияти давомида, хусусан эртак ва ҳикоялар тинглаш, экскурсиялар, театр ва кино томошалари орқали ривожланади. Айрим ҳолларда болалар ҳикоя айтишда воқеаларга қўшимча элементлар киритиб, фантазия ва реалликни аралаштириб юборадилар. Бу ҳолат уларнинг қизиқшини намоён этади. Бундай вазиятда ўқитувчи фантазияни чеклаш эмас, балки уни тўғри йўналтириши, болага юмшоқ ва мулозим муносабатда бўлиши лозим.

Шу ёшда болаларда ўйин эҳтиёжи ҳали ҳам сақланиб қолади. Улар кўп ҳолларда ўқиш ва ёзиш жараёнини ҳам ўйин сифатида қабул қиладилар. Шунингдек, ҳаракатга бўлган эҳтиёж юқори бўлиб, улар узок вақт бир жойда ўтиришга қийналадилар. Танаффус пайтида фаол ҳаракат қилишга интилишлари табиий ҳолдир.

Бу даврда бола ўзини англай бошлайди, ўз-ўзини баҳолаш қобилияти шаклланади ва “ўқувчи позицияси” пайдо бўлади. Шунинг учун ўқитувчи боланинг қобилият ва истисоддини ўз вақтида англаб, уни тўғри йўналтириши ниҳоятда муҳимдир. Зеро, Абу Ҳомид ал-Ғаззолий айтганидек, “Боланинг қалби тоза қоғоздек: унга нима ёзилса, шу қолади”.

Дилноза НОРМАТОВА,
19-мактаб психологи.

КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ КАМОЛОТИ



Ғаллаорол туман ихтисослаштирилган мактабда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, улар қалбида миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада мактабда ўқувчи-ёшларда аждодларимизнинг бой тарихи ва меросига садоқат туйғусини шакллантириш, айниқса, буюк саркарда ва давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли ҳаёти орқали ёшларга намуна бўладиган фазилатларни синдириш мақсадида маънавий-маърифий, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт тадбирлари ташкил этилди.

Тадбирлар доирасида ўқувчилар ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги, эчиллиги ва иродасини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Хусусан, камондан ва пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича мусобақалар ўқувчиларда аниқлик, диққат ва масъулият ҳиссини янада ривожлантирди.

Ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида бўлиб ўтган “Китобхонлик” танлови ҳамда “Заковат” интеллектуал ўйинлари ёшларнинг билим доирасини кенгайтириш, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва жамоавий ишлаш кўникмаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Маънавий-маърифий йўналишда Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Келажак соати” дарсларида буюк аждодимизнинг давлат бошқаруви, ҳарбий санъат, адолат ва бунёдкорлик борасидаги бой мероси кенг ёритилди. Шунингдек, мактабга кириш жойида ташкил этилган “Соҳибқирон бурчаги” ўқувчилар ва меҳмонлар учун маънавий-маърифий маскан сифатида уларнинг тарихий билимларини бойитишга ҳисса қўшмоқда.

Мактабда амалга оширилаётган бу каби ташаббуслар ўқувчиларнинг нафақат жисмоний ва интеллектуал, балки маънавий камолотига ҳам хизмат қилиб, уларни юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган фидойи инсонлар этиб вояга етказишга замин яратади.

Акмал ШОДМОНҚУЛОВ,

Ғаллаорол туман ихтисослаштирилган мактабнинг
ЧҚБТ раҳбари.

МАЪРИФАТЛИ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Туман ахборот-кутубхона марказида китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилди.



Жумладан, “Жиззах вилояти жой номларининг изоҳли луғати” китоби асосида ўтказилган библиографик шарҳ давомида тингловчиларга ҳудуд топонимикаси, жой номларининг келиб

чиқиши ҳамда уларнинг тарихий-маънавий аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Ушбу жараён иштирокчиларнинг вилоят тарихига бўлган қизиқишини янада оширди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган қарорлари ижроси доирасида “Шеърят ва наср олами вакиллари билан учрашув” мавзусида ижодий тадбир ўтказилди. Унда шоир ва ёзувчилар, ёш ижодкорлар ҳамда китобхонлар иштирок этиб, адабиёт ва ижодий жараён ҳақида фикр алмашдилар.

Мазкур тадбирлар ёшлар қалбида китобга муҳаббат уйғотиш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш ҳамда мутолаа маданиятини янада ривожлантиришга хизмат қилди.

Шахноза ҲАМРАЕВА,
туман ахборот-кутубхона марказининг
ахборот-библиография хизмати раҳбари.

КИТОБХОНЛИК ТАРҒИБОТИ

Жорий йилнинг 13-17 апрель кунлари “Китобсевар миллат” шиори остида туманда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган “Китобхонлик ҳафталиги” ўтказилди.

Ҳафталик доирасида туман ахборот-кутубхона маркази ва таълим муассасаларида янги нашр этилган китоблар тақдими, ёзувчи ва шоирлар билан ижодий учрашувлар, шунинг-

дек, “Заковат” интеллектуал ўйинлари ва китоб кўргазмалари ташкил этилди. Уларда китоб мутолаасининг инсон ҳаётидаги ўрни ва шахс камолотига таъсири ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Китобхонликка бўлган интилиш ва маърифий ишлар давоми сифатида туман ахборот-кутубхона маркази барча китобсеварларни чорлайди.

Сарвиноз САФАРБЕКОВА.